



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз АСТА NUUz

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/12/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонов О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф. ., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Рофиева Г.Ю. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Алламуратова С. Вопросы гендерной политики в республике Узбекистан	4
Ботирова Н. Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётида кўчманчиларнинг ўрни	7
Каримова М. Фарғона водийсида аёллар иштирокида ўтказилувчи “Мавлуд” маросими хусусида айрим мулоҳазалар	10
Машарипов Қ., Ражабова З. Мўғул босқини даврида Хоразмшоҳ – ануштегинийлар қўшини сони хусусида баъзи мулоҳазалар	13
Сафаров С. Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасининг ривожланиши	17
Убайдуллаева С. Исследование системы региональной безопасности центральной Азии на современном этапе	21
Холикулова Х. Право лиц с ограниченными возможностями здоровья на образование	25
Худояров У. Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар тарихи: муаммо тарихшунослиги	27
Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар. Исломшунослик	
Абдуқодиров Ж. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида физика фанидан ностандарт масалаларни ечиш учун талаб этиладиган сифатларни шакллантириш	30
Alimkhanova N. Improving the teaching of scientific pedagogical creativity of eastern thinkers	33
Artikova N. O‘quvchilarning o‘qish savodxonligini oshirish pirls misolida	36
Asqarov B. Bo‘lajak maktabgacha ta‘lim tashkiloti pedagog xodimlarining badiiy-estetik kompetentligini rivojlantirishning amaliy-texnologik tizimi	39
Ахатжонов С. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ривожда маҳаллий вакиллик органлари олдида турган айрим муаммоларнинг ечимлари хусусида	42
Ахмедова Д. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари	46
Azamova B. Bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining geometrik tayyorgarligining nazariy asoslari	50
Bannayeva M. Eshitishda nuqsoni bo‘lgan boshlang‘ich sinf o‘quvchilarning matematik kompetensiyalarini shakllantirishda texnologik yondashuv	53
Бекназарова С., Ганиева Ш. Инсоннинг ҳақиқий муҳитдаги хатти-ҳаракатларини виртуал реаллик асосида яратиш методлари ва технологияси	56
Jamolova S. Kompleks o‘zgaruvchili ifodalarni matematik statistikada qo‘llash	60
Jumayev S. Molekulyar biologiya fanini o‘qitishda o‘quv-ijodiy faoliyatini rivojlantirishda masala va mashqlardan foydalanishning pedagogik asoslari	63
Жўраев А., Байчаев Ф., Баҳранова У. Физика фанидан кон-металлургия саноатига оид касбий йўналтирилган масалаларни шакллантириш	66
Инагамова М. Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига оид айрим мулоҳазалар (Ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларининг ўзаро хос хусусиятлари)	69
Исмоилова Д. Тарбия иши педагоглари тейёрлаш механизмларининг назарий масалалари	72
Jankalo‘g‘lu Y. Ko‘kaldosh madrasasi	72
Касимов А. Маҳаллий бюджетлар ижроси устидан депутатлик назорати амалиётининг қўллашда номарказлаштиришнинг аҳамияти	78
Касимова Э. Янги Ўзбекистонда миллатларaro тотувлик ва диний бағрикенглик тамойиллари	81
Qarshiyeva F. Muhammadjon Hakimovning “Alisher Navoiy asarlarini ko‘chirgan hattotlar” nomli risolasining ilmiy ahamiyati	85
Qo‘ldasheva M. Talabalarda tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyalaridan foydalanishning zamonaviy usullari	87
Қурбонова М. Ўқувчиларда мусикани бadiий идрок этиш орқали ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари	90
Mamatisayeva S. Eshitishda nuqsoni bo‘lgan o‘quvchilar ta‘lim tarbiya jarayonini tashkil etishning huquqiy – me‘yoriy asosi	93
Маматкулов Д. Чор Россиясининг мустамлакачилик мафкураси ва жаҳидчилик ҳаракати	96
Mamatqosimov J. Bo‘lajak rejissorlarning sahnaviy madaniyatini yuksaltirishda milliy teatr an‘analarining pedagogik ahamiyati	100
Mamatqosimova N. Bo‘lajak madaniyat xodimlarining badiiy tafakkurini takomillashtirishda teatr san‘atining ahamiyati	103
Маркендуди М. Психологическое просвещение по профилактике зависимости от психоактивных веществ среди студентов высших учебных заведений	106
Muminova D. Yoshlarning ilmiy va ijodiy faoliyatida kitobxonlikning o‘rni	110
Narzullaeva B. Mahallalarda millatlararo do‘stlik aloqalarini rivojlantirishning hozirgi holati	113
Нафасов Ф. Кредит-модуль тизими асосида бўлажак математика ўқитувчиларнинг когнитив компетенциясини ривожлантириш	116
Nafasov D. Theoretical and pedagogical aspects of developing students’ socio-cultural competence	119
Norbekova B. Shaxsda etnopsixologik xususiyatlar shakllanishining psixologik mexanizmlari	122
Nurbaeva H. Talabalarda milliy va umuminsoniy qadriyatlarga nisbatan munosabatlarni rivojlantirish bag‘ishlangan ilmiy tadqiqodlar tahlili	125
Otajonov J., Ikromova M. Maktabgacha ta‘lim tashkiloti tarbiyalanuvchisining axloqiy tarbiyasini shakllantirish	128
Pulatov J. O‘zbekistonda o‘quvchi-sportchilarni professional ta‘limga yo‘naltirishning normativ-huquqiy va tashkiliy-pedagogik asoslari	131
Сабиров Н. Фуқаролик жамияти тушунчаси: генезис, назария ва амалиёт	135
Саидмуратова М. Билим олиш орқали китоб ўқишга қизиқишни шакллантириш	138

Sultonov Sh. 14-15 yoshli erkin kurashchilarning mashg'ulotlar rejasini haftalik mikrosikillarda samarali tashkil qilish metodikasi.....	139
Тошев О. Мультикультурализм сиёсати: кўпмаданиятли жамиятларда хавфсизлик кафолати сифатида (Марказий Осиё ва Ўзбекистон контекстида)	141
Тошпўлатова М. Тил ўқитишда корпусга асосланган ёндашувга оид тадқиқотлар шарҳи	144
Turg'unov A. Atom tuzilishi mavzusini tushuntirishda venn diagrammasidan foydalashish.....	147
Fayzullayev B., Tursunmetov K., Xolboyev Y. Elementar zarrachalarning standart modeli va o'zaro ta'sirlashuvlarni o'rganish metodikasi (2-qism)	150
Khakimov O., Jaloliddinova S. Depressiyaning inson hayotiga ta'siri	153
Xojiyeva S. Bo'lajak kimyo o'qituvchilarining 4+2 amaliyotida metodika tayyorgarligini rivojlantirish	156
Xolmatova Z. O'quvchilarda kompetensiyalarning shakllanganlik darajasini diagnostika qilish usullari.....	159
Khudaykulova F. Actual problems of preparing primary classes for international assessment research programs (pirls, timss, example).....	162
Xusanova F. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga to'garaklarda kombinotorika elementlarini o'rgatish yo'llari	165
Хайдарова С. Бўлажак география фани ўқитувчисининг касбий компетентлигига қўйиладиган талаблар	168
Shadiyeva N., Jo'rayev A., Shoimov A. Bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda dasturiy ta'lim vositalarining o'rni.....	171
Шайманова А. Интеллектуал мулкдорлар катламининг инсон манфаатларини рўёбга чиқаришдаги ўрни	174
Шоназаров У. Жисмоний маданиятни ривожлантириш илмий парадигмаларига доир баъзи мулоҳазалар	177
Эгамбердиева Т., Болтаева М. Бўлғуси тарих ўқитувчиларда тарихий идеалларга доир билимлари асосида умуммаданий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари.....	180
Yuldashev D. Jamiyatni modernizatsiyalashda yoshlar siyosiy va huquqiy ongini takomillashtirish omillari	183
Филология	
Абдувахובה М. Фольклор дискурсининг паратекстуал имкониятлари.....	186
Абдулхаева М. Ўзбек тилшунослигида синоним турларини ўрганилиши	189
Алибекова З. Ўзбек тилшунослигида абстракт отлар муаммоси.....	192
Allayarova Z. O'zbek tilidagi o'z qatlam agroterminlarining lisoniy-struktur xususiyatlari va o'zbek tilini boyish manbalari	195
Аннакулова У. Саломат Вафо и её герои в фольклорной оправе	199
Axmedova D., Nuritdinova D. Izohli lug'atdagi semantik izohlar va ularni semantik kengaytma sifatida qayta ishlash	203
Базаров С. Нормурод Норқобилов романларида образ табиати ва руҳий изтироблар тасвири	207
Бекмуротова Ш. Замоनावий немис тилидаги жуфт сўзлар ва уларнинг универсал характери	210
Бердиёрова Р. Фразеологик бирликларни семантик-структур ўзгартириш (сўз кистириш)	214
Bolibekova M., Bahronova M., Jabbarov Z., Musinova Z. Semantic analysis of terms relating to the field of soil science	218
Goipova S. O'zbek tilida "Ko'ngil" leksik-semantik maydonining tadqiqi	221
Имянинова Ш. К вопросу об особенностях фразеологизмов и терминологического хаоса во фразеологии немецкого языка.....	224
Исмоилова Н. "Қуръони Карим" теолингвистик тадқиқот объекти сифатида	227
Йўлдашева Х. Бадий матннинг адресант омилига асосланган социопрагматик типлари.....	230
Kurbanova Ch. Abdulla Oripov she'riyatida mifologik obrazlar.....	234
Qarshiyeva F. Muhammadjon Hakimovning "Alisher Navoiy asarlarini ko'chirgan xattotlar" nomli risolasining ilmiy ahamiyati	238
Qodirova R. No'mon Rahimjonov faoliyati adabiyotshunoslar nigohida.....	241
Мадиева М. Брендларнинг номланишида экстралингвистик омилар	244
Маматкулова Ф. Кулинароним таркибли фразеологизм ва мақолларни қиёсий лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш	247
Мамурова М. "Ғазнавийлар" романининг бадийати	250
Махмудова М. Қариндошлик маъноли баъзи изоҳловчилар генезеси.....	253
Нурманова С. Сирожиддин Саййид шеърларида меҳр лисоний мужассамлашуви	256
Rasulova H. Maktabgacha ta'lim sohasini rivojlantirishda xorijiy ta'lim tajribalaridan foydalanishning nazariy metodologik asoslari.....	259
Toshpo'latova X., Normamatov F. Reklama shiorlari tarjima birligi sifatida	263
Тўракулова О. Тиббий терминологиянинг этимологик ва функционал жиҳатлари	266
Fayziyeva S. Abdulhamid Majidiy-mumtoz adabiyot munaqqidi.....	269
Хамдамова Г. Мақоллардаги маъно хусусиятлари.....	272
Ҳожиев Ю. Тилшуносликда "дўстлик" концепти орқали миллий характерларнинг фарқлиниши	275
Choriyeva A. Sinxron tarjimada frazeologik birliklarni tarjima qilish usullari	278
Шамсиева М. Билингвал болалар тил қобилятлари тадқиқи	281
Шарипова Г. Стереотип как традиционной национальной картины мира	285
Шоймардонов И. Болалар ўйин фольклорида бадий тасвир воситаларининг ўрни.....	287
Yuldashev F. "Ma'naviyat" leksik-semantik kategoriyasining mikrosistemalari	290



УДК: 81'342.8/9:377(575.1)

Манзура ШАМСИЕВА,
ТошДўТАУ катта ўқитувчиси, PhD
E-mail: vasiya06@mail.ru

ТошДўТАУ профессори, ф.ф.д. З.Т. Холманова тақризи асосида.

STUDY OF LANGUAGE SKILLS OF BILINGUAL CHILDREN

Аннотация

The perception of speech formation and perception sounds is associated with the problem of "language perception". The evaluation of the correctness of language phenomena as a function of language perception is carried out as a result of knowledge of the relationships and relationships of this phenomenon, its features in a verbal situation in verbal communication. In the formation of the main methods of communication with the surrounding world, a violation of these relations is manifested. The article describes the results of an experimental study of similar issues.

Keywords: speech comprehension, language competence, bilingual, monolingual, coding, decoding.

ИЗУЧЕНИЕ ЯЗЫКОВЫХ НАВЫКОВ ДЕТЕЙ-БИЛИНГВОВ

Аннотация

Восприятие формирования речи и восприятия звуков связано с проблемой "языкового восприятия". Оценка правильности языковых явлений как функции языкового восприятия осуществляется в результате знания взаимосвязей и отношений этого явления, его особенностей в вербальной ситуации при вербальном общении. В формировании основных способов общения с окружающим миром проявляется нарушение этих отношений. В статье описываются результаты экспериментального исследования подобных вопросов.

Ключевые слова: понимание речи, языковая компетенция, билингв, монолингв, кодирование, декодирование.

БИЛИНГВАЛ БОЛАЛАР ТИЛ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ТАДҚИҚИ

Аннотация

Нутқ ҳосил қилиш ва идрок этиш механизмлари тўғрисидаги тасаввур "тил ҳисси" муаммоси билан боғлиқ. Тил ҳодисалари тўғрилиги баҳоси тил ҳисси функцияси сифатида ушбу ҳодисанинг алоқалари ва муносабатларини, вербал алоқада нутқий вазиятда унинг хусусиятларини билиш натижасида амалга оширилади. Атрофдагилар билан мулоқотнинг асосий усуллари шаклланишида ушбу алоқаларнинг бузилиши намоён бўлади. Мақолада шу каби масалаларнинг экспериментал тадқиқи натижалари баён этилади.

Калит сўзлар: нутқни тушуниш, тил компетенцияси, билингв, монолингв, кодлаш, декодлаш.

Кирриш. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида психолингвистик мезонларга асосланган иккинчи тилни эгаллаш ва икки тил тизими автономлиги даражасига асосланган билингвизм ҳақида батафсил маълумот берувчи ишлар етарли. Шу тариқа, индивидуал билингвизм турлари масаласидаги муайян йўналишлар ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Нутқни идрок этиш ва ҳосил қилиш манбалари асосида билингвларнинг тил қобилиятларини экспериментал тадқиқ этиш давомида шахсларнинг тил қобилияти ва тил компетенцияси ўртасида бевосита ўзаро боғлиқлик аниқланмади. Бу эса билингвларда ақлий мазмунни ифодалаш учун тил қобилияти механизми етарли даражада ривожланмаганлиги ҳақидаги ҳолатни тасдиқлайди. Тезроқ ва камроқ қийинчилик билан кечадиган идрок этиш/тушуниш (ифоданинг мазмунини бошқариш) жараёни устувор саналади.

-Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида турк ва сарт халқи ўртасидаги икки тиллилик қай даражада эканлиги борасида мулоҳазалар мавжуд. Яъни турк халқининг каттасидан кичигигача, хизматкоридан амалдоригача сарт тилини билади. Улар кундалик мулоқотда сарт тилидан бемалол фойдалана оладилар, баъзилари адабий тилда сўзлаша олади. Ҳатто турк шоирлари форс тилида асарлар ҳам ёзадилар. Бироқ сарт халқининг деярли ҳеч қайсиси, каттасидан кичигигача, хизматкоридан амалдоригача,

саводсизидан билимдонигача турк тилида сўзлаша олмайди, бу тилда сўзлаган кишини ҳам тушунмайди. Агар юздан, балки мингдан бири бу тилда сўзласа, эшитган киши унинг сартлигини осонгина билиб олади, тарзда ифодаланган. Бундан туркийлар форс тилини кенг қўллаганликлари, тилни ўз тили соҳиблариники каби эгаллаганликлари, нутқда эркин қўллаганликлари, сарт (форс)лар нутқда эса интерференция ҳодисаси кучли бўлганлиги англашилади. Алишер Навоийнинг тил борасидаги қимматли фикрларини юксак қадрлаган ҳолда тилшунослик йўналишларида олиб борилаётган тадқиқотларда улардан методологик манба сифатида фойдаланилади.

Иккинчи (хорижий) тилни ўзлаштириш ва қўллаш стратегияси (Е.С. Кубрякова, Ж. Лакан ва б.), "оралик тил" ҳодисаси билингвал шахсда пайдо бўладиган билимлар тизими сифатида (У.Ф. Макки, М. Сигуан ва б.) фаол ўрганилган. Нутқий хатолар механизмларини тушуниришда нутқий тафаккур жараёни моделлари, фрейм ёндашуви, установка назарияси, кенг тарқалган фаоллаштириш моделлари ва бошқалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

-Тадқиқот методологияси. Тадқиқот натижасида олинган хулосаларнинг ишончлилиги ва аниқлиги тадқиқотнинг барча методологик даражаларининг ўзаро мувофиқлиги билан асосланади: мувофиқ психометрик талаблар, методикаларнинг танланиши; психолингвистика

назарияси ва методологияси билан мувофиқликда экспериментал ишни ташкиллаштириш; реципиентларни репрезентатив танлашни шакллантиришнинг ишончли стратегиялари; STATISTICA статистика таҳлилининг компьютер дастури пакетини қўллаш билан олинган экспериментал маълумотларни математик қайта ишлаш методларини қўллаш.

Тадқиқот уч босқичда олиб борилди.

Биринчи босқичда адабиётларнинг назарий таҳлили, тадқиқотимизнинг предмети ва объектига мос бўлган методикалар мажмуини танлаш амалга оширилди.

Иккинчи босқичда эмпирик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотда 300 нафар реципиент камраб олинди, улар қўйилган мақсадга кўра ёш мезонлари бўйича (7-9 ёшли болалар), монолингв ва билингв мезони бўйича (гуруҳда 300 киши) 4 гуруҳга ажратилди (1-жадвал).

1-жадвал

Эмпирик тадқиқот учун респондентларни танлаш структураси

Ёш	Билингвлар	Монолингвлар
7 ёш	75 та	75 та
9 ёш	75 та	75 та

Учинчи босқичда маълумотлар статистик қайта ишланди ва олинган натижалар талқин қилинди.

Тадқиқотда Л.В. Яссманнинг “Болаларда тил компетентлиги шаклланишини тадқиқ этишининг психолингвистик методи”дан фойдаланилди. Психолингвистик методлар мажмуи 6-9 ёшли болаларга мўлжалланган бўлиб, нутқни тушуниш ва нутқнинг грамматик тузилишини фаол эгаллаш ва умуман нутқ ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилишга йўналтирилган тестлардан ташкил топган.

- Таҳлил ва натижалар.

Гапнинг синтактик тузилишини тушуниш хусусиятлари

2-6 тест топшириқлари боланинг гапларни тушуниши ва таққослашига қаратилган. 2-тестда синалувчиларга қуйидаги гаплар таклиф қилинган:

Бола қизни қувиб етди/Қиз бола ўғил болани қувиб етди; Машина автобусдан ўзиб кетди/Автобус машинадан ўзиб кетди; Қиз онасини эшитмоқда/ Она қизини эшитмоқда; Қиз қаргадан қўрқди/Қарга қиздан қўрқди; Автобус машинага етиб олди/Машина автобусга етиб олди.

Кўрсатма: қуйидаги гапларни эшит ва таққосла, улар мазмунига кўра бир хилми ёки ҳар хил? Тушунтир.

Сўзни тушуниш бу унинг маъносини оддий билиш эмас. Сўзни тушуниш жараёни боладан қўплаб эҳтимолий маънолардан бирини танлаш, қатор қўшимча маъноларни, шунингдек, бир сўзнинг бошқаси билан тахминий

боғланишларини ҳисобга олишни талаб қилади. Болалар гапнинг синтактик тузилишини тушунишга доир топшириқларни бажаришда семантик-синтактик муносабатларни ўрнатиш бўйича топшириқларни бажаришдаги қонуниятларни намоён этишди.

Билингвал болалар томонидан ифодаларни тушунишда қатор қийинчиликлар аниқланди, бу эса аксарият билингвларнинг ички нутқ босқичида декодлаш жараёнида бузилиш борлигидан далолат беради. Тадқиқ этилган болаларда гапнинг ташқи тузилишидан семантик планга ўтишда қийинчилик туғилди, чунки декодлаш ички нутқ босқичига доир бўлган ифоданинг тузилиш қоидаларига бўйсунди, бунда сўзларнинг жойлашув ўрни воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлигини акс эттиради. Билингвал бола монолингвал боладан фарқли равишда тил ҳодисаларига кўпроқ қизиқади, чунки унинг тил тажрибаси кўпроқ. Сўз семантикасига қизиқиш анча эрта бошланади, чунки у бир тушунчани ҳам она тилида, ҳам чет тилида ифодалаш мумкин.

3-тест тақдим этилган гапларни тушунишни тадқиқ этишга мўлжалланган.

Болалар дўконга кетишди/Хонада стол ва стуллар бор/Акаси ёяпти, сингисини ўқияпти/Уйнинг ёнида ҳовуз бор/Бола кетди/Биз бугун эрталаб майдонга бордик.

Йўриқнома: гапдаги сўзларни сана (Баҳолаш мезонлари юқоридагилар билан бир хил).

Нутқни тушуниш – бу нутқий ифоданинг ташқи шаклидаги мазмунни чиқариш жараёнидир.

2-жадвал

4-тестни бажариш натижалари

Баллар	Монолингвлар		Билингвлар	
	7 ёш	9 ёш	7 ёш	9 ёш
	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ
0	0	0	0	0
1	13	8	14	10
2	0	0	0	
3	62	67	61	65

Англамаган шаклнинг идрок этиш акти сифатида қабул қилиниши деярли ҳар доим семантикага ўтишдир. Нутқий сигналларни қайта ишлаш изчиликда кечади. Нутқ шакллари идрок этиш унинг тузилишидаги лингвистик қонуниятларни билишни талаб этади. Ҳатто сўз хато бўлса ҳам, реципиентга таниш бўлган сўзларни эслатса, улар танишдек қабул қилинади. Агар жумлалар кўп маъноли бўлса, реципиент уни қабул қилишда қийинчиликларга учрайди. Жумла қандай синтактик шаклда тақдим этилаётгани реципиент учун муҳим эмас.

Аксарият билингвал болалар гапнинг тузилишини ўзгартириб, уни тўлдирган. Масалан, “Хонада стол ва стуллар бор” гапи уларда “Хонада мебель бор” тарзида ўзгарган, “Бола кетди” жумласи эса “Бола уйга кетди”

тарзида, одатда, келгуси ҳаракатга доир фаразлар илгари сурилган ва тўлдирилган, “Бола уйга кетди” ёки “Бола айлангани чиқди” тарзида мазмуний ўзгариш амалга оширилган. Шунинг ҳисобига билингвал болаларда тошириқни хато билан бажариш бироз кўпроқ (18% етти ёш, 13% тўққиз ёш) кузатилди, аммо бундай ўзгартиришлар уларнинг ҳозиржавоблиги, ассоциатив боғланишни топиш ва улардан фойдалана олиши, тез қарор қабул қила олишидан далолат беради.

4-тест гапнинг мантикий-грамматик тузилишини тушунишга қаратилган.

Тўғрими? баҳор ёздан олдин бўлади/қиш баҳордан сўнг бўлади/ёз баҳордан олдин бўлади/қиш куздан сўнг бўлади.

Нима бўлади: ёздан олдин/баҳордан сўнг/баҳордан олдин/куздан сўнг.

Тушуниш жараёни мураккаб фаолиятни ўзида акс эттиради. Ҳар қандай жумлани тушуниш боладан англаш ва аниқлашни, шунингдек, жумла ташкил топган алоҳида сўзлар, яъни нутқнинг лексик бирликлари аниқлашни талаб қилади. Агар болага сўзнинг луғавий маъноси нотаниш бўлса ёки сўзнинг товуш таркибини англаш қийин бўлса, декодлаш юз бермайди ва тушуниш имконсиз бўлади. Яъни бола гапдаги ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини ўрнатади, бироқ синтактик алоқаларни қабул қилмайди, акс ҳолда нотўлиқ ва нотўғри қабул қилинади. Гапни мантикий-грамматик тушуниш топшириқларини бажаришда болалар семантик-синтактик муносабатларни ўрнатиш топшириқларини бажаришдаги қонуниятларни намойиш этишди. 9 ёшли монолингвал болалар 90% вазифани тўғри бажаришди. Билингвал болаларда вазифани нотўғри бажариш кўпроқ кузатилди (8 ёшли болаларда 57%). Баъзи билингвал болаларда грамматик тузилишни тушунишда камчилик кузатилди. Улар сўзни бошлангич шаклда қабул қилишган. Ёрдам кўрсатилганда, болалар ўз хатоларини топишди ва уларни тўғрилашга ҳаракат қилишди.

5-тест. Гапнинг синтактик тузилишини тушунишни тадқиқ этишга қаратилган. **5-тест.**

Майдонда бино ёнида ҳарбий қурол билан турибди – Майдонда бино ёнида қурол билан ҳарбий турибди.

Паркда чархпалак ёнида музқаймоқ ушлаб турган бола турибди – Паркда чархпалак ёнида бола музқаймоқ ушлаб турибди.

Ўйриқнома: Бу гаплар нимаси билан фарқланади?

Психоллингвистик ёндашувда декодлаш (гапларни тушуниш) – бу гапнинг ўзидан унинг шаклий-синтактик тузилишига ўтиш, сўнгра гапнинг мазмунини аниқлаш имконини берувчи унинг мантикий-синтактик тузилишга ўтишдир.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, етти ва тўққиз ёшли билингвал болаларда ҳатто жуда содда гапларни ҳам тушуниш қийин кечди. Турланиш, тусланиш, кўмакчилар, кўмакчили қурилмалар қўлланган гаплар болаларга кўпроқ қийинчилик туғдирди.

78% монолингвал болалар топшириқни тўғри бажаришди. Етти ёшли билингвал болаларнинг 33%и, 9 ёшли билингвал болаларнинг 40%и тўғри бажаришди (10-жадвал).

Билингвал болаларда тестни нотўғри бажариш кўпроқ кузатилди. 7 ёшли болалар ушбу топшириқни бажаришда кўплаб қийинчиликларга учрашди. Гаплар ўртасидаги фарқни умуман топа олишмади. Масалан, *Паркда чархпалак ёнида музқаймоқ ушлаб турган бола турибди – Паркда чархпалак ёнида бола музқаймоқ ушлаб турибди* – гапларини таққослаш етти ёшли билингвал болалар учун жуда қийин бўлди. Бу ерда ҳар бир гапда “*чархпалак ёнида музқаймоқ ушлаган бола*” ва “*чархпалак ёнида бола*” кўшни элементлар ўртасидаги мумкин бўлган алоқани танлаш керак эди. Қуйидаги жавоб кўпроқ кузатилди: “Бир хил гаплар. Ҳеч нарса ўзгармади”.

Тўққиз ёшли билингвал болаларда бошқача манзара кузатилди. Ёши катталашгани сари билингвал болаларда топшириқни тўғри бажариш фоизи ортгани, ўзбек тилини ўрганиш вақтининг ортиши билан луғат захираси ҳам ошиб боргани кузатилди – 40%. Ёрдам кўрсатилганда болалар ўз хатоларини топишди ва уларни тўғрилашга ҳаракат қилишди.


6-тест гапнинг синтактик тузилишини тушунишга қаратилган.

6-тест

Ўйриқнома: Тингла ва жавоб бер.

Санжар Даврондан ўзди. Ким чаққон?/Камрон Санжардан баландроқ. Ким паст?/Салима Дилнозадан каттароқ, бироқ Хуришдадан кичикроқ. Ким энг катта?/Санжар Камрондан баландроқ, бироқ Нодирдан пастроқ. Ким энг баланд?

1-диаграмма



Болалар учун энг қийини, битта соддалаштирилган алоқадан иккинчисига ўтиш ва уни бутун жумланинг маъносини тушуниш учун ишлатиш бўлди. Масалан: “Санжар Камрондан баландроқ” биринчи алоқани ифодалайди. Ундан сўнг “Санжар Нодирдан пастроқ”

алоқасини тушуниши керак. Бироқ болалар ифоданинг фақат биринчи қисмини тушунган ва шунга кўра жавоблар хато бўлди. Шунингдек, аксар ҳолларда гапнинг икки ярми ҳам бир хил сифатида тушунилган. Болаларнинг жавоблари асосан “Санжар Камрондан

баланд ва Нодирдан баланд. Демак у энг баланд" тарзида бўлади.

Ушбу топшириқни бажариш нафақат билингвал болалар учун, балки монолингвал болалар учун ҳам қийин кечди. 36% етти ёшли ва 32% тўққиз ёшли 1-2-гуруҳ реципиентлари вазифани хато бажаришди. Атиги 14% етти ёшли ва 26% тўққиз ёшли билингвал реципиентлар вазифани тўғри бажаришди.

Билингвал болаларда вазифани нотўғри бажариш кўпроқ кузатилди (66% 7 ёшли болалар). Ушбу вазифани бажаришда болалар кўпроқ қийинчиликларга учрашди. Гаплар ўртасидаги фарқни умуман топа олишмади.

-Хулоса ва таклифлар. Билингвизмни шакллантириш учун энг қулай вариант бола туғилганидан бошлаб у билан икки тилда мулоқот қилишдир. Таълим жараёнига иккинчи тилни ўзлаштириш бошланган ёши таъсир кўрсатади. Бола уч ёшгача икки тилни ўзлаштирганда икки босқични босиб ўтади: дастлаб бола икки тилни аралаштиради, кейин уларни бир-биридан

ажрата бошлайди. Уч ёшга келиб бола бир тилни бошқасидан аниқ ажрата бошлайди. Уч ёшнинг охирига келиб, баъзилари тўрт ёшида тилларни аралаштиришни тўхтатади. Бола тўрт-беш ёшида алоқага киришга интилади. У бирон-бир сўзнинг нимани англатишини билишга қизикади ва нарсаларни номлай бошлайди. Олти ёшида тенгдошлари билан ўйинда тилдан фаол фойдаланади. Икки тилни бир хилда баравар эгаллашнинг имкони йўқ.

Икки тили болаларнинг нутқий ривожланиш хусиятлари: улар нутқни кечроқ ўзлаштиради; сўз захираси бир тилда сўзловчи тенгдошлариникидан бироз камроқ; тизимли ўргатилмаганда, грамматика етарли даражада ўзлаштирилмайди; иккинчи тилининг ёзма нутқини ўзлаштиришда қийинчиликлар юзага келиши мумкин; амалиёт бўлмаганда, иккинчи даражали бўлиб қолган она тилининг тобора заифлашуви кузатилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Мухокаматул-луғатайн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев – Тошкент, 1940. – 54-б.
2. Имедадзе И. В., Сакварелидзе Р.Т., Узнадзе Д.Н. Философия. Психология. Педагогика: наука о психической жизни. Узнадзе: известный и неизвестный// Культурно-историческая психология. 2013. Том 9. № 3. 106–115-б.
3. Кубрякова Е.С. Человеческий фактор в языке. Язык и порождение речи// [Е.С. Кубрякова, А.М. Шахнарович, Л.В. Сахарный]; Институт языкознания. – М.: Наука, 1991. – 238 б.
4. Лакан, Ж. Функция и поле речи и языка а психоанализе. – М.: Гнозис, 1995. -94 б.
5. Purisman, A. Russian in Israel: Immigrants' Attitudes towards mother tongue and its use / A. Purisman // «Studia Humaniora et Paedagogica Collegii Narovenssis». - Нарва, 2008. - P. 85-95.
6. Raguénad, V. Bilingual by Choice: Raising Kids in Two (or More!) Languages [Текст] / V. Raguénad. - Boston: Nicholas Brealey Publishing, 2009. - 201 p.
7. Rehman, S. Make Your Child Multilingual!: The 10 Step Success Plan to Raising Bilingual / Workbook edition [Текст] / S. Rehman. - Seattle: CreateSpace, 2010. - 110 p.
8. Saunders, G. Bilingual children: Guidance for the family / G. Saunders. - Clevedon: Multilingual Matters, 1982. - 278 p.
9. Schwartz, M., Verschik, A. Achieving Success in Family Language Policy: Parents, Children and Educators in Interaction / M. Schwartz, A. Verschik // M. Schwartz, A. Verschik (eds). Successful family language policy: Parents, children and educators in interaction. - Heidelberg: Springer Verlag, 2013. - P. 1-20.
10. Sebastian-Galles, N. Native-language sensitivities: Evolution in the first year of life / N. Sebastian-Galles // Trends in Cognitive Sciences. - 2006. - Vol. 10. - P. 239-241.